

**ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРИ ТОМОНИДАН ТОВЛАМАЧИЛИК
ЖИНОЯТЛАРИНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШДА УМУМИЙ ПРОФИЛАКТИКА
ФАОЛИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

Вохобжонов Дилмурод Дилшодбек угли

Ўзбекистон Республикаси ИИБ Академияси Хуқуқбузарликлар

Профилактикаси Фаолияти кафедраси уқитувчиси

Турганбаев Шахзатбек Бахтыбай улы

Ўзбекистон Республикаси ИИБ Академияси 3-уқув курси 320-гуруҳ курсанти

Аннотация: *Мазкур илмий мақолада мулкӣ жиноятлар таркибига кирувчи товламачилик жиноятларининг ижтимоий-хавфли моҳияти ҳамда уларнинг олдини олишда профилактика инспекторининг умумий профилактика фаолиятининг ўрни ва аҳамияти комплекс тарзда таҳлил қилинган. Тадқиқот давомида товламачилик жиноятларининг криминалогик хусусиятлари, латентлик даражаси ва жамиятда келтириб чиқараётган салбий оқибатлари илмий-назарий жиҳатдан ёритиб берилган. Шунингдек, профилактика инспекторининг ҳуқуқбузарликларни барвақт аниқлаш, жиноят содир этилишига олиб келувчи сабаб ва шарт-шароитларни бартараф этиш, аҳоли ўртасида ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтиришга қаратилган фаолиятининг мазмуни очиб берилган. Мақолада умумий профилактика фаолиятини такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари, жумладан, жамоатчилик билан ҳамкорликни кучайтириш, ахборот-коммуникация технологияларидан самарали фойдаланиш ва манзилли профилактика чораларини қўллашнинг илмий аҳамияти асослаб берилган. Тадқиқот натижалари товламачилик жиноятларининг олдини олиш самарадорлигини оширишга хизмат қилади ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар амалиётида қўллаш учун амалий аҳамиятга эга.*

Калит сўзлар: *профилактика инспектори, товламачилик жинояти, умумий профилактика, жиноятларнинг олдини олиш, ҳуқуқий тарғибот.*

Annotation: *This scientific article comprehensively analyzes the socially dangerous nature of extortion crimes, which are part of property crimes, as well as the role and importance of the general preventive activities of the prevention inspector in their prevention. In the course of the research, the criminological features of extortion crimes, the degree of latency, and the negative consequences they cause in society are highlighted from a scientific and theoretical point of view. Also, the content of the activities of the prevention inspector, aimed at early detection of offenses, elimination of the causes and conditions leading to the commission of crimes, and raising legal awareness and legal culture among the population, is revealed. The article substantiates the scientific significance of the main directions for improving general preventive activities, including strengthening public cooperation, effective use of information and communication technologies, and the application of targeted preventive measures. The research results*

serve to increase the effectiveness of the prevention of extortion crimes and are of practical importance for application in the practice of law enforcement agencies.

Keywords: *prevention inspector, extortion crime, general prevention, crime prevention, legal advocacy.*

Бугунги кунда жиноятчиликка қарши курашиш давлат сиёсатининг муҳим йўналишларидан бири ҳисобланади. Айниқса, мулкӣ жиноятлар таркибига кирувчи товламачилик жиноятлари жамиятда ижтимоӣ адолат ва фуқароларнинг мулкӣ дахлсизлигига жиддий зарар етказди. Шу боис, ушбу жиноятларнинг олдини олишда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, хусусан, профилактика инспекторларининг умумӣ профилактика фаолиятини такомиллаштириш долзарб илмӣ масала ҳисобланади.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ тизимидаги туб ислоҳотлар янги босқичга кўтарилди. Бу ислоҳот-ларнинг асл моҳияти халқ фаровонлигини ошириш, жамиятда ижтимоӣ адолат ва демократия тамойилларининг устуворлигини таъминлашга қара-тилган бўлиб, уларнинг суръати ва натижалари ҳар биримизнинг бугунги кундаги шижоатимиз ва ҳаракатимизга боғлиқдир.

Иктисодиёт соҳасидаги жиноятлар ва бошқа ҳукукбузарликлар мамлакатимизда амалга оширилаётган бозор ислохотларига жиддий хавф тугдиради, бозор иктисодига хос булган хусусӣ мулкчиликнинг, бошқа турдаги мулкӣ муносабатларнинг шаклланишига ва ривожланишига тускинлик килади. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 53-моддасига мувофиқ, мамлакатимиз иқтисодиётининг негизини хилма-хил шакллардаги мулк ташкил этади. Мулк дахлсиздир ва у давлат томонидан муҳофаза қилинади, унга қилинган ҳар қандай тажовуз қонунга хилоф деб ҳисобланади.

Жиноятнинг объекти жиноят таркибининг элеменентларидан биридир. Ҳар қандай жиноят шубҳасиз у ёки бу объектни тажовуз қилиш билан содир этилади. Шунинг учун жиноят объектини тўғри аниқлаш жиноятнинг ҳуқуқӣ моҳиятини аниқлаш, энг асосӣси, жиноят объектига етказилган зарарга қараб, қилмишни тўғри квалификация қилиш имконини беради.

Бизга маълумки жиноятнинг объекти жиноят таркибининг элементларидан биридир. «Жиноят ҳуқуқи назариясида жиноятнинг объекти деб, жиноят қонуни билан қўриқладиган ижтимоӣ муносабатлар тушунилади.» Жиноятнинг объекти жиноӣ қилмишнинг жамиятга, ижтимоӣ муносабатларга таъсири орқали унинг ижтимоӣ хавфлилик ҳусусиятини белгилаш имконини беради.

Товламачилик жиноятларининг олдини олиш ва уларга тўғри ҳуқуқӣ баҳо беришда Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг раҳбарий тушунтиришлари муҳим назарӣ ва амалӣ аҳамиятга эга. Хусусан, 1999 йил 24 сентябрдаги 19-сонли ҳамда 2004 йил 21 майдаги 4-сонли қарорларининг қиёсий таҳлили товламачиликнинг икки хил кўринишини (умумӣ жиноӣ ва мансабдорлик соҳасидаги) фарқлаш имконини беради. Пленумнинг 2004 йилдаги

4-сонли қарорининг 4-бандида товламачилик жиноятининг "тугалланганлик" пайти бўйича муҳим назарий қоида мустаҳкамланган. Унга кўра, мулкни талон-торож қилишнинг бошқа шакллари (ўғирлик, фирибгарлик) фарқи ўлароқ, товламачилик формал таркибли жиноят ҳисобланади. Яъни, айбдор мулкни амалда қўлга киритганлиги ёки тасарруф этганлигидан қатъи назар, таҳдид билан биргаликда мулкний манфаатларни бериш талаби қўйилган вақтдан бошлаб жиноят тугалланган деб топилади. Бу назарий хулоса профилактика инспекторлари учун жиноятга суиқасд ва тугалланган қилмиш ўртасидаги чегарани аниқ белгилашда хизмат қилади.

1999 йилдаги 19-сонли Пленум қарорининг 11-бандида товламачиликнинг мансабдор шахслар томонидан содир этиладиган ўзига хос шакли «таъмагирлик» тушунчасига илмий таъриф берилган. Мазкур таърифга кўра, агар шахс ўзининг ғайриқонуний ҳаракатларини ёпиш мақсадида мулк берса, бу ҳолатда товламачилик (тамагирлик) аломати мавжуд бўлмайди. Бу эса жиноятлар профилактикасида жабрланувчининг манфаатлари қонунийлигини ўрганиш нақадар муҳимлигини кўрсатади.

2004 йилги қарорнинг либераллаштиришга оид нормалари товламачилик жинояти содир этилгандан кейинги махсус профилактика чораларини белгилайди. Қарорда етказилган моддий зарарнинг қопланиши жазо турини ўзгартириш ёки енгиллаштириш учун асос бўлиши таъкидланган (12, 15-бандлар). Бу назарий жиҳат жиноят ижроия тизимида айбдорни қайта тарбиялаш ва жамиятга ижтимоий мослаштиришнинг ҳуқуқий кафолати сифатида намоён бўлади.

Товламачилик жиноятига қарши курашишда нафақат мулкний талон-торожга, балки шахснинг иродасини мажбурлашга қаратилган таҳдидларга ҳам ҳуқуқий баҳо бериш лозим. Профилактика тизимида ушбу Пленум қарорларининг мазмунини қўллаш, жиноятларни квалификация қилишдаги хатоликларни олдини олиш ва фуқароларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг самарали механизми бўлиб хизмат қилади.

Товламачиликнинг объекти ўзгаларнинг мол-мулки, мол-мулкка бўлган ҳуқуқи, жабрланувчи шахсларнинг соғлиғи, шаъни ва қадр-қимматидир.

Мол-мулк, мол-мулкка бўлган ҳуқуқ, мулкний йўсиндаги ҳаракатлар (муайян ишни бажарилишини хизмат кўрсатишни ва ҳ.к.) товламачилик жиноятининг предмети бўлиши мумкин.

Айбдор товламачиликни содир этаётиб мулкка бўлган ҳуқуқни талаб қилмай, ўзганинг мол-мулкидан фойдаланиш ёки уни тасарруф этиш ҳуқуқини талаб қилиши ҳам мумкин.

Товламачиликнинг предмети фақат ўзганинг мол-мулки ёки унга бўлган ҳуқуқи бўлиши мумкин.

Жабрланувчи ёки унинг яқин кишиларига зўрлик ишлатиб, унинг мулкига шикаст етказиш ёки уни нобуд қилиш ёхуд жабрланувчи сир сақланишини хоҳлаган маълумотларни ошкор қилиш билан қўрқитиб ёхуд жабрланувчининг

манфаатларига хавф соладиган вазиятни вужудга келтириш йўли билан шахс жабрланувчини унда турган (масалан, қарзга, кредитга олган, вақтинча сақланиб турган ва ҳ.к.) ўзининг мол-мулкни беришга мажбур этганида у ўзганинг мулкни товламачилик йўли билан талон-торож қилганлик учун жиноий жавобгарликка тортилиши мумкин эмас.

Бундай қилмиш, қонунда назарда тутилган аломатлар мавжуд бўлса, ўзбошимчалик, деб ҳисобланади.

Мулкий йўсиндаги ҳаракатлар деганда, ҳақи тўланиши лозим бўлган ҳар қандай ишларни бажариш ёки хизматлар кўрсатиш (иморатлар қуриш, уларни таъмирлаш, автомобилларни таъмирлаш, товар-моддий бойликларни ташиб бериш ва ҳ.к.) тушунилади.

Объектив томондан товламачилик ўзгадан мулкни ёки мулкий ҳуқуқни топширишни, мулкий манфаатлар беришни ёхуд мулкий йўсиндаги ҳаракатлар содир этишни талаб қилишдан иборат.

Қуйидагилар:

1) жабрланувчи ёки унинг яқин кишиларига зўрлик ишлатиш билан қўрқитиш;

2) мулкка шикаст етказиш ёки уни нобуд қилиш билан қўрқитиш;

3) (жабрланувчи ёки унинг яқинлари учун) сир сақланиши лозим бўлган маълумотларни ошкор қилиш билан қўрқитиш;

4) жабрланувчини ўз мулки ёки мулкка бўлган ҳуқуқини беришга мажбур қиладиган шароитга солиб қўйиш товламачиликни содир этиш ҳисобланади.

Товламачининг талаблари оғзаки, телефон, факс, хат орқали ва бошқа усулларда амалга оширилиши мумкин.

Талаб деганда, товламачининг жабрланувчидан мол-мулк ёки мол-мулкдан ўз мулкидай фойдаланиш ҳуқуқини берувчи ҳужжатларни тақдим этилишини талаб қилиши тушунилади.

Мол-мулкни талаб қилиш, албатта, товламачиларнинг талабини рад этганлик учун ўч олиш мақсадида қўрқитиш билан бирга содир қилинган бўлиши керак

Талаблар пул олиш, ердан, дўкондан, автомобилдан фойдаланиш ҳуқуқини қўлга киритиш, товламачини шерик сифатида мунтазам дивидендлар ва бошқа мулкий манфаатлар олиши учун кооператив, корхона аъзолигига киритиб қўйиш кўринишда бўлиши мумкин.

Мулкий манфаатлар беришни талаб қилиш деганда, жабрланувчининг ўз хизмат ваколатларига кўра у ёки бу шахсга унинг муҳтожлигига қараб ёхуд белгиланган қоидалар ёки норматив ҳужжатларга биноан бериш ҳуқуқига эга бўлган манфаатлари тушунилади. Жумладан, товар-моддий бойликларни навбатсиз ажратиш, қўшимча тўловларсиз товар олиш, ўз корхонасидаги бўш лавозимларга тайинлаш тушунилиши керак.

Товламачининг талаби, албатта, жабрланувчининг мулкига зарар етказиш ёки унинг яқин кишиларига зўрлик ишлатиш ёхуд улар учун сир сақланиши

лозим бўлган маълумотларни ошкор қилиш тарзидаги қўрқитиш билан биргаликда содир қилиниши лозим. Қўрқитиш билан амалга оширилмаган талаблар жиноятнинг товламачилик таркибини вужудга келтирмайди.

Суд-тергов амалиётида кўпинча товламачиликни босқинчилик ва талончиликдан фарқлашда қийинчиликларга дуч келинади.

Бундай қийинчилик пайдо бўлганида босқинчилик ва талончиликда куч ишлатиш билан қўрқитиш ўзгалар мулкани эгаллаш ёки ўзгалар мулки тортиб олингач, уни қўлдан чиқармаслик воситаси бўлиб хизмат қилишини, товламачиликда эса қўрқитиш жабрланувчининг иродасини буйсундириш ва жабрланувчини товламачининг хоҳишини бажаришга мажбур қилиш воситаси эканлигини назарда тутиш лозим.

Шунингдек, босқинчилик ва талончиликда ўзганинг мулкани эгаллаш қўрқитиш билан бир вақтда содир бўлади, товламачиликда агар жабрланувчи мулкни ўз ихтиёри билан бермаса, бундай қўрқитишнинг кейинчалик бажарилиши кўзда тутилади.

Содир этилаётган қўрқитиш жабрланувчига таъсир қилмагани сабабли товламачи шу заҳоти ўзганинг мулкани эгаллаган бўлса, унинг ҳаракатлари жиноятлар жами: ўзганинг мулкани товламачилик йўли билан ва қўрқитиш усулига кўра, босқинчилик ёки талончилик йўли билан талон-торож қилиш, деб квалификация қилиниши лозим.

Товламачиликни содир этишда зўрлик ишлатиш билан қўрқитиш деганда уриш, зарба бериш, баданга енгил, ўртача оғир ва оғир шикаст етказиш таҳдиди билан қўрқитиш агар айбдорнинг талаби бажарилмаса, шундай зўрлик ишлатиш хавфи мавжуд бўлиши тушунилиши, керак. ЖК 165-моддасининг диспозициясида уларнинг ҳаммаси кўрсатилган ва бундай қилмиш содир этилганида шахсга қарши жиноятлар бўйича қўшимча квалификация талаб қилинмайди.

Товламачилик жиноятининг амалга оширалаётган вақтдаги таҳдид реал бўлиши керак. Қўрқитиш оғзаки, имо-ишораларда ифодаланиши мумкин.

Фақат суд ҳар бир алоҳида ҳолда, содир этилган жиноят ҳолатларини ҳисобга олган ҳолда, таҳдиднинг реаллиги ва ҳақиқатда мавжуд бўлганлигига баҳо беради. Бундай ҳолларда суд жабрланувчининг реал таҳдид мавжуд бўлганлиги тўғрисидаги субъектив фикрига эмас, балки аниқ фактларга таяниши керак.

Товламачиликдаги қўрқитишга қуйидаги: биринчидан, ўзида жабрланувчи ёки унинг яқин кишиларига нисбатан зўрлик ишлатиш, мулкка зарар етказиш ёки уни нобуд қилиш ёхуд улар учун сир сақланиши лозим бўлган маълумотларни ошкор қилиш нияти билдирилган бўлиши; иккинчидан, таҳдид реал, яъни агар жабрланувчи, товламачининг талабларини бажармаса, таҳдид амалга оширилиши мумкинлигидан хавотир бўлиши кераклиги каби аломатларга эга бўлиши лозим. Жабрланувчи томонидан қўрқитишнинг хусусияти ва жадаллиги қандай қабул қилинганлиги жиноятнинг квалификациясига таъсир кўрсатмаслиги лозим.

Жадаллиги бир хил бўлган таҳдид, жабрланувчиларнинг руҳий ҳолати, тарбияси, феъл-атвори, жисмоний хусусиятларидаги фарқлар туфайли, улар томонидан турлича қабул қилинади. Жабрланувчи қандай қабул қилганлигидан қатъи назар, таҳдиднинг кучи ошмайди ва камаймайди, унинг ўзи қандай бўлса шундайлигича қолаверади. Агар айбдорнинг айтганлари объектив томондан таҳдидни ўз ичига олмаган бўлса, қилмиш товламачилик деб ҳисобланши мумкин эмас.

Товламачиликни содир этишда ўлдириш билан қўрқитишни ҳам ЎзР ЖК 165-моддаси ўз ичига олади.

Қилмишини товламачилик, деб квалификация қилишда таҳдиднинг кимга – бевосита мулк эгасига ёки жабрланувчига яқин кишиларга қаратилганлигининг аҳамияти йўқ.

Мулкка шикаст етказиш деганда, мулкка зарар етказилиши туфайли, ашёнинг ўз сифатини шунчалик йўқотиши, яъни ундан ўз вазифасига кўра фойдаланиш учун вақтинча ёки қисман яроқсиз бўлиб қолиши ва уни тиклашга муайян меҳнат ёки маблағ сарфланганидан кейин аввалги қимматига эга бўлиши тушунилади.

Мулкни нобуд қилиш деганда, мулкнинг қайта тиклаб бўлмайдиган ва ундан вазифасига кўра фойдаланиб бўлмайдиган ҳолатга келтирилганлиги тушунилади.

Шахс учун сир сақланиши лозим бўлган (шахс сир сақланишини хоҳлаётган) маълумотлар деганда, ўзининг шахсий ҳаёти, иш фаолияти, яқин кишилари, қариндош-уруғлари ҳақидаги ва шу каби ҳар қандай ахборотлар тушунилиши керак.

Шахснинг маълумотларни сир сақлашни хоҳлаган ёки хоҳламаганлиги ҳар бир алоҳида ҳолда суд томонидан аниқланади.

Одатда, Суд бундай шантаж жабрланувчининг иродасига таъсир қилган ёки қилмаганлигига қараб, жабрланувчининг маълумотларини сир сақланишини хоҳлаган ёки хоҳламаганлигини аниқлайди. Агар жабрланувчи маълумотлар ошкор қилинишидан қўрқиб товламачининг талабларини бажарган бўлса, демак жабрланувчи ушбу маълумотларнинг сир сақланишини хоҳлаган бўлади. Маълумотларни ошкор қилиш деганда, жабрланувчининг фикрича, ошкор қилиниши номаъқул бўлган (масалан, фарзандликка олиш, касаллик, судланганлик тўғрисидаги ва ҳ.к.) ахборотларни бошқа шахсларга маълум қилиш тушунилади.

Айбдор шахс маълумотларни оғзаки, хат, телефон, факс орқали ва бошқа тарзда ошкор қилиши мумкин. Маълумотларни ошкор қилиш усули товламачиликнинг квалификациясига таъсир қилмайди.

Жабрланувчини ўз мулки ёки мулкка бўлган ҳуқуқини беришга мажбур қиладиган шароитга солиб қўйиш деганда айбдорнинг жабрланувчини ноиложлик туфайли, ўз хоҳишига қарши товламачининг талабларини бажариш (масалан, электр энергиясини узиб қўйиш, газни ўчириб қўйиш, транспорт

воситасини бермаслик, нефть маҳсулотлари билан таъминламаслик ва ҳ.к.)га мажбур қиладиган ҳар қандай ҳаракатларни содир этиши тушунилиши лозим.

Товламачилик ўзганинг мулкани ёки мулкка бўлган ҳуқуқини топшириш, мулккий манфаатлар бериш ёхуд мулккий йўсиндаги ҳаракатларни содир этиш талаб қилинган пайтдан эътиборан тамом бўлган жиноят, деб ҳисобланади.

Товламачилик жинояти формал таркибли жиноят ҳисобланади. Формал таркибли жиноят, дейилганда бирор-бир зарарли оқибатнинг келиб чиқиши шарт бўлмай, бирор-бир оқибат келиб чиққан тақдирда ҳам жиноятнинг квалификациясига таъсир қилмайдиган жиноятлар тушунилади.

Ижтимоий хавфли ҳаракат содир этишда айбдор бўлган шахсни жиноий жавобгарликка тортиш учун уни ижтимоий хавфли қилмиши (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик) содир этганлигини аниқлаш кифоя қилинади. Бундай ҳолларда жиноий жавобгарликка тортиш учун жиноят содир этилганлиги натижасида оқибатнинг вужудга келиши шарт эмас.

Товламачиликни босқинчилик ва талончиликдан фарқлашда товламачиликда зўрлик ишлатиш билан қўрқитиш мулкни зўрлик ишлатаётган вақтда эмас, балки келажакда қўлга киритишга қаратилишига эътибор бериш лозим. Агар қўрқитиш амалга оширилса, қилмиш ЖКнинг товламачилик учун жавобгарлик белгиланган моддаси ва асослар бўлганда, қўрқитиш амалга оширилаётганда содир этилган ҳаракат учун жавобгарликни назарда тутувчи моддаси билан ҳам тавсифланиши лозим.

Субъектив томондан товламачилик тўғри қасд билан содир этилади. Жиноятни содир этишдан мақсад – ғараз (тамагирлик)дир.

Қилмишнинг мотивлари турлича бўлиши мумкин, аммо улар жиноятни квалификация қилишда аҳамият касб этмайди.

Жиноятнинг субъекти Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг

17-моддасида жиноят субъекти ҳақида сўз юритилган бўлиб, «жиноят содир этгунга қадар ўн олти ёшга тўлган, ақли расо жисмоний шахслар жавобгарликка тортиладилар,»

ЖКнинг 17-моддасида баданга шикаст етказганлик учун жиноий жавобгар бўлиши мумкин бўлган шахснинг энг кичик ёши белгиланган 16 ёшга тўлган, ҳар қандай ақли расо шахсдир.

Замонавий ахборот технологияларининг жадал ривожланиши жиноятчиликнинг трансформациясига, хусусан, анъанавий товламачиликнинг "рақамли шаклга" ўтишига олиб келди. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 165-моддасига киритилган ўзгартиришлар нафақат ҳуқуқий бўшлиқни тўлдиради, балки кибермакондаги ижтимоий муносабатларни жиноий-ҳуқуқий муҳофаза қилишнинг янги парадигмасини белгилайди.

Анъанавий товламачиликда қўрқитиш одатда жисмоний куч ишлатиш ёки мулкка шикаст етказиш билан боғлиқ бўлган бўлса, янги таҳрирдаги 165-моддада "ахборот ресурсини йўқ қилиш, ўзгартириш, олиб қўйиш ёки тўсиб қўйиш" билан қўрқитиш алоҳида жиноий қилмиш сифатида эътироф этилди. Бу

ерда ахборот ресурси шахсининг номоддий активи ва мулкӣ ҳуқуқларининг ажралмас қисми сифатида кўрилади. Виртуал макондаги маълумотларни блоклаш ёки ўчириш шахсга моддий ва маънавий зарар етказишнинг таъсирчан воситасига айланди, бу эса жиноятнинг объектив томонини мазмунан бойитади. Замонавий криминология ва жиноий ҳуқуқ назариясида генератив сунъий интеллект имкониятларидан ғаразли мақсадларда фойдаланиш, хусусан, мультимедиа маълумотларини сохталаштириш ҳолатлари «рақамли трансформация давридаги асимметрик таҳдидлар» сифатида тавсифланмоқда. Биометрик маълумотларни манипуляция қилиш ҳолатлари технологияларнинг «икки ёқлама қўлланилиши» натижасида юзага келадиган деструктив оқибатларни ифодалайди. Инсоннинг биометрик ва шахсий параметрларини синтетик медиа технологиялари ёрдамида модификация қилиш ва шу орқали унинг ижтимоий мақомига путур етказиш рақамли макондаги «информацион-психологик детерминация»нинг энг хавфли кўринишидир. Илмий нуқтаи назардан, бундай қилмишлар анъанавий товламачиликнинг виртуал муҳитдаги эволюцияси бўлиб, шахсининг рақамли идентификаторларини (овози, қиёфаси, биометрияси) жиноят қуролига айлантириш билан тавсифланади. Бу жараён шахсининг руҳий дахлсизлигига тажовуз қилувчи ва уни ижтимоий изоляцияга мажбур этувчи «рақамли психологик террор» феноменини вужудга келтиради. Миллий жиноят қонунчилигига киритилган сўнгги ўзгартиришлар жиноий элементлар ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ўртасидаги юзага келган «технологик дисбаланс»ни бартараф этишга қаратилган стратегик ҳуқуқий реакциядир. Бу ерда давлат жиноятчиларнинг «технологик устунлиги»га нисбатан нафақат жазо чораларини кучайтириш, балки кибермаконда шахс дахлсизлигини таъминловчи янги институционал кафолатларни яратиш орқали адекват жавоб бермоқда. 165-модданинг янги таҳрири рақамли воқеликда мулкӣ ва номулкӣ ҳуқуқларни ҳимоя қилишнинг мантиқӣ ва ҳуқуқӣ давоми бўлиб, юридик фанда «рақамли суверенитет ва шахс хавфсизлиги» концепциясини мустаҳкамлайди.

Янги таҳрирдаги 165-модданинг биринчи қисми бўйича белгиланган жазо (3 йилдан 5 йилгача озодликни чеклаш ёки маҳрум қилиш) ушбу қилмишнинг ижтимоий хавфлилиқ даражасига мутаносибдир. Рақамли товламачиликнинг латентлик (яширинлик) даражаси юқорилигини инобатга олиб, профилактика инспекторлари ва тезкор ходимларнинг рақамли криминалистика бўйича кўникмаларини ошириш ушбу норманинг амалиётда ишлашини таъминловчи бош омил бўлиб хизмат қилади.

Профилактика инспектори учун ушбу қонуний ўзгаришлар қуйидаги вазифаларни белгилайди:

1. Виртуал виктимологик профилактика: Фуқароларга ижтимоий тармоқлар ва мессенжерларда хавфсизлик чораларини (икки босқичли аутентификация ва ҳ.к.) тушунтириш.

2. Рақамли гигиенани шакллантириш: Биометрик маълумотларни нотаниш платформаларга жойлаштиришнинг ҳуқуқий оқибатларидан аҳолини огоҳ этиш.

Товламачилик жинояти Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексида назарда тутилган бўлиб, у жабрланувчидан таҳдид, қўрқитиш ёки шантаж йўли билан мулк ёки мулкрий ҳуқуқни талаб қилишда ифодаланади. Ушбу жиноят тури қуйидаги хусусиятларга эга:

- латентлик даражасининг юқорилиги;
- психологик босимнинг устунлиги;
- уюшган ёки гуруҳ бўлиб содир этилиш эҳтимолининг мавжудлиги.

Мазкур омиллар товламачилик жиноятларининг олдини олишда профилактик чора-тадбирларни илмий асосда ташкил этишни талаб қилади

Профилактика инспекторининг умумий профилактика фаолияти тушунчаси ва мазмуни

Умумий профилактика — бу жиноят содир этилишига олиб келувчи сабаб ва шарт-шароитларни бартараф этишга қаратилган комплекс чора-тадбирлар тизимидир. Профилактика инспектори ушбу фаолиятнинг асосий ижрочиси сифатида:

- аҳолининг ҳуқуқий онгини ошириш;
- жиноятчиликка мойил муҳитларни аниқлаш;
- жамоатчилик билан ҳамкорликни йўлга қўйиш;
- профилактик ҳисобда турган шахслар билан ишлаш вазифаларини амалга

оширади.

Товламачилик жиноятларининг олдини олишда ушбу вазифаларни самарали бажариш алоҳида аҳамиятга эга.

Умумий профилактика фаолиятини такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари

Илмий таҳлиллар шуни кўрсатадики, профилактика инспекторлари фаолиятини такомиллаштириш қуйидаги йўналишларда амалга оширилиши мақсадга мувофиқ:

1. Ҳуқуқий тарғибот ва тушунтириш ишларини кучайтириш

Фуқаролар ўртасида товламачилик жиноятининг ҳуқуқий оқибатлари ва мурожаат қилиш механизмлари ҳақида тизимли равишда ахборот бериш.

2. Маҳалла ва жамоат институтлари билан интеграция

Маҳалла фаоллари билан ҳамкорликда хавфли ижтимоий муҳитларни барвақт аниқлаш.

3. Ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш

Электрон мурожаатлар ва профилактик мониторинг тизимларини жорий этиш орқали латент жиноятларни аниқлаш.

4. Манзилли профилактика чораларини қўллаш

Жиноят содир этиш эҳтимоли юқори бўлган шахслар билан индивидуал профилактик ишларни кучайтириш.

Хулоса

Хулоса қилиб айтганда, товламачилик жинойтларининг олдини олишда профилактика инспекторининг умумий профилактика фаолиятини такомиллаштириш жинойтчиликка қарши курашнинг самарадорлигини оширади. Ушбу фаолиятни илмий асосланган, тизимли ва замонавий ёндашувлар асосида ташкил этиш орқали фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Атажанов, Ў. М. (2025). ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ПРОФИЛАКТИКАСИ ТИЗИМИДА ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРЛАРИНИНГ ВАЗИФА ВА ФУНКЦИЯЛАРИНИ НАЗАРИЙ АСОСЛАШ, КОНЦЕПТУАЛ МОДЕЛЬ ВА ИМПЛЕМЕНТАЦИЯ СТРАТЕГИЯЛАРИ. Научный Импульс, 3(33), 146-156.
2. Атажанов, Ў. М. (2025). ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ПРОФИЛАКТИКАСИ ХИЗМАТЛАРИ ТОМОНИДАН ПРОФИЛАКТИК ЧОРА-ТАДБИРЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРИШ МЕХАНИЗМЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ. Новости образования: исследование в XXI веке, 4(40), 10-17.
3. Атажанов, Ў. М. (2025). ХОТИН-ҚИЗЛАРГА НИСБАТАН ТАЗЙИҚ ВА ЗЎРАВОНЛИКНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ БЎЙИЧА ҲУҚУҚИЙ МЕХАНИЗМЛАР ТАҲЛИЛИ. Новости образования: исследование в XXI веке, 4(40), 18-24.
4. Атажанов Ў. М., Найимов Х. Ж. ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАРНИНГ МАХСУС ПРОФИЛАКТИКАСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ АЙРИМ ЖИҲАТЛАРИ //Научный Импульс. – 2025. – Т. 4. – №. 39. – С. 703-709.
5. Атажанов Ў. М. и др. ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ПРОФИЛАКТИКАСИ ХИЗМАТЛАРИ ТОМОНИДАН ПРОФИЛАКТИК ЧОРА-ТАДБИРЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРИШ МЕХАНИЗМЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ //Новости образования: исследование в XXI веке. – 2025. – Т. 4. – №. 40. – С. 10-17.
6. Мустофақулов, Бобур Асрор Ўғли, and Авазбек Акрамжон Ўғли Турғунпўлатов. "ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРЛАРИНИНГ ФАОЛИЯТИ УСТИДАН ЖАМОАТЧИЛИК, ПАРЛАМЕНТ ВА ДЕПУТАТЛИК НАЗОРАТИ." Central Asian Journal of Multidisciplinary Research and Management Studies 2.2-2 (2025): 83-87.
7. Адхамов, З. А. (2025). БУХОРО ВИЛОЯТИДА ИЛГАРИ СУДЛАНГАН ШАХСЛАР ТОМОНИДАН СОДИР ЭТИЛГАН ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАРНИНГ КРИМИНОЛОГИК ТАВСИФИ ВА УЛАРНИ БАРТАРАФ ЭТИШ ЧОРАЛАРИ: МУАММОЛАР ВА ЕЧИМЛАР ТАҲЛИЛИ. Central Asian Journal of Multidisciplinary Research and Management Studies, 2(6), 85-89.
8. Тиллаходжаев, Б., & Рахмонжонов, С. (2025). ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИДА НАЗОРАТ СУБЪЕКТЛАРИНИНГ АСОСИЙ ВАЗИФАЛАРИ ВА НАЗОРАТ ҚИЛИШНИНГ АҲАМИЯТИ. Журнал академических исследований нового Узбекистана, 2(6), 79-83.